

Бахтсиз ҳодисалардан оилавий суғурта қилиш бўйича ОММАВИФ ОФФЕРТА

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур суғурталаш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, «Суғурта фаолияти тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, оилавий бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартларини белгилайди.

1.2. Суғурта фаолиятининг профессионал иштирокчилари суғурта фаолиятининг субъектлари ҳисобланади. Суғурталовчилар, суғурта суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ҳисобланади.

1.3. Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган Суғурталанувчининг суғурта ҳодисаси натижасида ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш билан боғлиқ бўлган мулкӣ манфаатлар суғурталаш объектлари ҳисобланади.

Изоҳ: Мазкур Қоидага асосан оила аъзолари бўлиб, ота-она ва улар билан яшайдиган, лекин шахсий оила қурмаган фарзандлар ҳисобланадилар.

2. Атамалар ва таърифлар

Суғурталовчи - суғурта шартномасига мувофиқ суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятини олувчи юридик шахс - «**KAFOLAT sug'urta kompaniyasi**» АЖ.

Суғурта қилдирувчи - суғурта шартномасида ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкӣ манфаатларини суғурталовчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурталанган шахс (шахслар) - бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёт шарт суғурта қилиш шартномасида (суғурта полисида) кўрсатилган аниқ шахс (шахслар).

Суғурта шартномаси – ёзма шартнома бўлиб, унга кўра суғурталовчи кўзда тутилган суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурта қилдирувчи ёки товон олиш ҳуқуқига эга бўлган бошқа шахсга суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш мажбуриятини олади;

Суғурта мукофоти - суғурта шартномасида белгиланган муддат ва тартибда (Нафдор) томонидан Суғурталовчига мажбурий тарзда тўланадиган суғурта учун ҳақ.

Суғурта полиси – суғурта шартномаси тузилганлигини ва ушбу Қоидаларнинг шартларига кўра Суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлари кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат. Бу ҳужжат суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суғурталовчига тўлангандан кейин суғурта қилдирувчига берилади.

Нафдор - суғурта шартномасига биноан томонидан суғурта қопламасини олиш учун тайинланган юридик ёки жисмоний шахс. У суғурта полисида қайд этилади.

Суғурта суммаси (пули) - суғурта ҳодисаси натижасида Суғурталанган шахсга ёки Нафдорга Суғурталовчи томонидан тўланадиган маблағнинг энг юқори миқдори;

Суғурта таъминоти - Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурталанган шахсга соғлиғини тиклаш учун суғурта суммаси (таъминоти) доирасида тўланадиган пул миқдори.

Бахтсиз ҳодиса- суғурталанган шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи, баъзи хасталикка ва (ёки) ўлимга олиб келувчи ҳодиса.

Суғурта ҳодисаси- суғурта шартномасида кўзда тутилган оқибатлар натижасида Суғурталовчининг суғурта суммасини тўлашини тақозо этувчи амалда содир бўлган суғурта воқеаси.

Суғурта агенти - Суғурталовчи номидан ёки топшириғига биноан суғурта шартномаси (суғурта полиси)ни тузиш ва ижро этилишини ташкил қилиш бўйича фаолият юритувчи жисмоний ёки юридик шахс.

Суғурта муддати - суғурталаш объектлари суғурталанган вақт оралиғи.

Географик ҳудуд - Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

3. Суғурта ҳодисаси

Бахтсиз ҳодиса натижасида суғурталанган шахсларнинг соғлиғига зарар етиши ёки уларнинг ўлими суғурта ҳодисаси ҳисобланади. Суғурта ҳодисаси натижасида Суғурталанган шахсларга олган жароҳати учун суғурта суммасининг ёки ўлим ҳолати юзага келганда суғурта суммасини тўлаш ёки Нафдорга суғурта суммасини тўлаш мажбурияти келиб чиқади.

3.1.1. Қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланади:

а) бахтсиз ҳодиса, заҳарли ўсимликлар, кимёвий моддалар, дори-дармонлар, сифатсиз озиқ-овқат маҳсулотларидан (озиқ-овқат токсикоинфекцияси - сальмонеллёз, ичбуруғ ва ҳоказолардан ташқари) тасодифан кучли заҳарланиш, суяк чиқиши ёки синиши (патологик суяк синиши, куйиш, совуқ уриши, электр токи уриши, қисилиб қолиш бундан мустасно), кана энцефалити (кана энцефаломиелити) ёки полиоменит билан касалланиш (башарти бу ҳодисалар суғурта шартномаси амалда бўлган даврда юз берган бўлса) натижасида Суғурталанган шахснинг саломатлиги турғун бузилиши, яъни шикастланган органи ишининг бузилиши;

б) шикастланган аъзонинг иши бузилишига сабаб бўлмаган суяк чиқиши, синиши, мушак, пай, пайчанинг буткул узилиши, ички органларнинг шикастланиши, юзнинг юмшоқ тўқималари куйиб, жароҳатланиб ёки совуқ уриб косметик жиҳатдан сезиларли даражада чандиқлар ёхуд пигмент доғлари ҳосил бўлиши, шунингдек тана ва оёқ-қўлларнинг юмшоқ тўқималари шикастланиб анча катта чандиқлар ёки кенг пигмент доғлари юзага келиши, тишларнинг тушиб кетиши, қулоқ пардасининг эшитиш қобилияти пасайишига олиб келмайдиган даражада тешилиши, кўзнинг кўриш қобилияти пасайишига олиб келмайдиган даражада чуқур жароҳатланиши натижасида соғлиқнинг бузилиши;

в) Суғурталанган шахснинг «а» кичик бандда кўрсатилган сабаблар туфайли ва нафас олиш йўлларига тасодифан бегона нарса кириб қолиши, чўкиш, анафилактик шок, иссиқ уриши, организмнинг ҳаддан ташқари совиб кетиши натижасида вафот этиши (шамоллаш касалликларидан вафот этиши бундан мустасно).

3.1.2. Ушбу шартномага мувофиқ суғурта ҳодисалари деб кўзда тутилган ва қуйидагиларга олиб келган бахтсиз ҳодисалар (ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари ҳам) тан олинади:

- Суғурталанган шахснинг жароҳат олишига ва (ёки) баъзи хасталиғига;
- Суғурталанган шахснинг меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишига;
- Суғурталанган шахснинг соғлиғини узил-кесил ишдан чиқишига (ногиронликка);
- Суғурталанган шахснинг ўлимига.

Ушбу қоидаларга мувофиқ тузилаётган суғурта шартномасида ушбу бандда санаб ўтилган суғурта ҳодисаларининг хоҳлаганига товон тўланиши кўзда тутилиши мумкин.

3.1.3. 3.1.2.-банднинг 1,2,3 кичик бандида кўзда тутилган, суғурта даврида содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг оқибати у содир бўлган кундан бошлаб олти ой ичида юзага чиқса ҳам ушбу суғурталаш билан қопланади.

4. Истиснолар

4.1. Қуйидагилар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

а) Суғурталанган шахснинг суриштирув органлари ёки суд атайлаб қилинган жиноят белгилари мавжудлигини аниқлаган хатти-ҳаракатларни содир этиши натижасида шикастланиши;

б) касалга чалиниши, шу жумладан юрак хуружи, озиқ-овқат токсикоинфекциялари (сальмонеллез, ичбуруғ ва б.), суғурта ҳодисалари рўйхатида келтирилган ҳодисалар натижасида касалланиш бундан мустасно;

в) Суғурталанган шахснинг ўзини-ўзи ўлдириши ёки ўзини-ўзи ўлдиришга қасд қилиши (Суғурталанган шахс учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур бўлиши бундан мустасно, буни суд аниқлайди);

г) Суғурталанган шахснинг атайлаб ўзига тан жароҳатлари етказиши;

д) ОИТВ (одам иммунитетни танқислиги вируси) билан, шунингдек ушбу вируснинг ҳар қандай мумкин бўлган мутациялари ёки шакл ўзгаришлари билан боғлиқ касалликлари;

е) Суғурталанган шахснинг спорт мусобақалари, турли пойгаларда, парашют билан сакрашда иштирок этиши натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар.

ж) барча хилдаги ўткир сурункали ва наслий касалликлар (шу жумладан инфаркт, инсульт ва тўсатдан аъзоларни касалланиши, касалликни наслдан наслга ўтиш натижасида уни ривожланиши), анафилактик шок;

з) суғурта шартномаси амалда бўлган пайтда юз берган Суғурта ҳодисаси туфайли олиб борилган даволаш билан боғлиқ бўлмаган касалликни даволаш (ташхис қўйиш) ва олдини олиш тадбирлари (дори юбориш);

и) меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари ва саноат санитарияси меъёрларини, техника хавфсизлигини қўпол равишда бузиш, томонидан хавфсизлик шартларини ва Суғурталанганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш юзасидан назорат ўрнатилмаганлиги натижасида олинган жароҳат ёки ўлим;

к) бахтсиз ҳодиса вақтида суғурталанган шахснинг спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсиридан маст ҳолатда бўлганлиги, транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлиги ёки спиртли ичимлик, наркотик ёки токсик моддалар таъсиридан маст ҳолатда бўлган шахсга транспорт воситасини бошқаришга берган бўлса;

л) ҳар қандай турдаги уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилинган ёки қилинмаганидан қатъий назар), фуқаролар уруши, инқилоб, исён ва шунга ўхшаш бошқа ғалаёнлар, шунингдек ички тартибсизликлар (Намойишлар, қўзғолонлар) натижасида юз берган бахтсиз ҳодисалар;

м) ядро реакцияси, ядровий нурланиш ёки радиоактив ифлосланиш натижасида содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва улар билан боғлиқ оқибатлар;

4.2. Шунингдек Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс (Нафдор) қуйидаги ҳаракатларни содир этганда суғурта ҳодисаси тан олинмайди ва у бўйича тўловлар амалга оширилмайди:

а) бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳақидаги хабарни суғурталовчига ўз вақтида (суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда) етказмаса;

б) суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳамда унинг оқибати билан ҳодиса ўртасидаги сабабий боғланишни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ёки атайлаб ёлғон далилларни тақдим этса;

в) Суғурталовчига ваколатли бўлган шифокор-экспертнинг жабрланган шахсни кўздан кечириши учун имконият яратиш чораларини кўрмаса.

5. Суғурта шартномасини тузиш тартиби ва муддати, кучга кириши.

5.1. Суғурта шартномаси Суғурталанувчининг ёзма мурожаати асосида, Суғурталанувчи ва Суғурталовчи ўртасида бир хил кучга эга бўлган икки нусхада тузилади. Суғурта шартномасининг бир нусхаси Суғурталанувчида, иккинчи нусхаси Суғурталовчида сақланади.

5.2. Суғурталовчи Суғурталанувчи билан суғурта шартномасини тузиш даврида мазкур Қонданинг айрим бандларига Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиши ва чиқариб ташлаш ҳуқуқига эга.

5.3. Руҳий ёки оғир асаб касаллиги, тутқаноқ, кўзи ожизлик, карлик, фалаж кассаллигининг ҳар хил турлари билан касалланган шахслар ва касаллиги туфайли ишламайдиган 1- гуруҳ ногиронлари билан суғурта шартномалари тузилмайди.

5.4. Суғурта шартномасини тузаётган вақтда тузиш истагини билдирган шахс гиёҳванд моддаларни қабул қилиши ёки заҳарловчи моддалар таъсирида маст ҳолатда бўлса ҳамда асаб ёки руҳий касаллиги туфайли асаб ва руҳий касалликларни даволаш диспансер ҳисобида турса, улар билан Суғурта шартномаси тузилмайди.

5.5. Эр–хотиндан хоҳлагани ёки Суғурта мукофотини тўлаш имкониятига эга бўлган болалари ва ташкилотлар (бюджет маблағларидан ташқари) бўлишлари мумкин.

Ўзининг вафоти туфайли Суғурта суммасини олиш учун хоҳлаган шахсни Нафдор этиб тайинлайди.

5.6. Суғурталанган шахс Суғурта муддати давомида иш жойини ёки турар жойини ўзгартирган ҳолларда ҳам у Суғурта муддатини охиригача суғурталанган ҳисобланади.

5.7. Суғурта шартномаси ёзма тузилиши шарт. Ёзма равишда тузилмаган суғурта шартномаси ҳақиқий бўлмайди.

5.8. Агар суғурта қилдирувчи юридик шахс бўлса, ариза билан бирга суғурта шартномаси бўйича суғурталанаётган шахсларнинг рўйхатини тақдим этади. Суғурта шартномаси тузилаётган вақтда суғурта таваккалчилиги даражасини аниқлаш учун Суғурталовчи қўшимча маълумот тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

5.9. Суғурта шартномаси томонлар имзолагандан бошлаб кучга киради ва суғурта шартномасида кўрсатилган суғурта даври ичида амалда бўлади. Агар шартномада бошқача шарт кўзда тутилмаган бўлса, суғурталовчининг шартнома бўйича мажбуриятлари суғурта мукофоти тўланган ёки суғурта қилдирувчига суғурта полиси топширилган куннинг эртасига 00 соат 00 минутда кучга киради ва суғурта даврининг охириги куни 24 соат 00 минутда тугайди.

5.10. Агар шартномада бошқача шарт кўзда тутилмаган бўлса, суғурта мукофоти Суғурталовчининг ҳисоб рақамига тушгандан сўнг Суғурталанувчига 3 кун ичида суғурта полисини тақдим этилади.

5.11. Суғурта полисини йўқотган Суғурталанувчига (Суғурталанган шахсларга) ёзма аризасига кўра суғурта полисининг дубликати берилади. Йўқотилган суғурта полиси бекор қилиниб, у бўйича суғурта товони тўланмайди.

5.12. Суғурталанувчи унга ёзиб берилган суғурта полисининг дубликати ва суғурта полисини тайёрлашга кетган харажатларни суғурталовчига тўлайди.

5.13. Агар суғурта даврида жисмоний шахс бўлган Суғурталанувчи (нафдор) суд томонидан ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб эътироф қилинса, бундай суғурталанувчининг (Нафдорнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини унинг васийи амалга оширади.

5.14. Юридик шахс бўлган суғурталанувчи қайтадан ташкил этилса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда Суғурталанувчининг

суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари Суғурталовчининг розилиги билан унинг ворисига ўтади.

6. Суғурта суммаси, суғурта мукофоти миқдори ва уни тўлаш тартиби.

4.1. Суғурта суммаси суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси бўлиб, 4 000 000,00 сўмни ташкил этади. Суғурта мукофоти миқдори 10 000,00 сўм.

4.2. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

4.3. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

4.4. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

4.5. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

4.6. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

4.7. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

4.8. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

7. Суғурта шартномасининг тугаши ва бекор қилиниши

7.1. Суғурта шартномаси куйидаги ҳолларда тугайди:

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;
- Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули миқдоридаги суғурта товонини тўлаш мажбуриятини бажарганда;
- Суғурталанувчи Суғурталовчига шартномада белгиланган муддат ва миқдорда суғурта мукофотини тўламаганда (агар тўлаш учун муҳлат берилмаган бўлса);
- суғурта ходисаси рўй бергунча жисмоний шахс бўлган Суғурталанувчи вафот этганда, юридик шахс бўлган Суғурталанувчи тугатилганда;

- жисмоний шахс бўлган Суғурталанувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки ҳуқуқий муомалага лаёқати чеклаб қўйилган деб топилганда;

- юридик шахс бўлган Суғурталанувчи қайта ташкил этилганда (агар суғурталовчи Суғурталанувчининг мазкур шартномага доир ҳуқуқ ва мажбуриятлари Суғурталанувчининг ҳуқуқий ворисига ўтишига рози бўлмаса);

- Суғурталовчи қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича тугатилганда;

- суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

7.2. Томонларнинг бири суғурта шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқса, бу тўғрида иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.3. Суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинганда тўланган суғурта мукофоти қуйидаги тартибда қайтарилади:

- агар Суғурталовчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталанувчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти тўлиқ қайтарилади;

- агар суғурта шартномаси томонларнинг келишуви асосида муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофотининг суғурта даврининг ишлаб топилмаган қисмига мутаносиб равишдаги қисми, Суғурталовчининг ишни юритиш учун сарфланган харажатларни чиқариб ташланган ҳолда қайтарилади.

7.4. Суғурталанувчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

8. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8.1. Суғурталанган шахс қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталанган шахс ўзининг вафоти туфайли суғурта суммасини олиш учун хоҳлаган шахсни Нафдор этиб тайинлаш;

б) суғурта шартномаси амалда бўлган вақтда Нафдорни алмаштириш тўғрисида Суғурталовчига мурожаат қилиш;

в) Суғурталовчидан суғурта шартномасининг амал қилиш шартига киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотни расмий равишда сўраш;

г) суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчидан унинг фойдасига тузилган суғурта шартномаси бўйича олган мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш;

д) жисмоний шахс бўлган Суғурталанувчи вафот этганида ёки юридик шахс бўлган Суғурталанувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда тугатилганда Суғурталовчига суғурта шартномаси қайтадан расмийлаштириш ҳақидаги таклиф билан мурожаат қилиш.

8.2. Суғурталанган шахснинг мажбуриятлари:

а) суғурта шартномаси тузилаётганда ўзига маълум бўлиб, суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни Суғурталовчига (Суғурталанувчига) хабар қилиш;

б) Суғурта шартномаси амал қилган даврда суғурта шартномаси тузилаётганда маълум қилинган ҳолатларда суғурта қалтислигини ошишига жиддий таъсир этиши мумкин бўлган ўзгаришлар пайдо бўлганлиги маълум бўлса, бу ҳақида зудлик билан Суғурталовчини (Суғурталанувчини) хабардор қилиш.

Суғурта шартномаси (суғурта полиси)да ёки ёзма аризада Суғурталовчи томонидан олдиндан аниқ айтиб қўйилган ҳолатлар муҳим деб ҳисобланади.

8.3. Суғурталанувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) Суғурталовчи ва Суғурталанган шахснинг розилиги билан Суғурталанган шахсни ўзгартириш;

б) Суғурталовчини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда суғурта шартномасида кўрсатилган Нафдорни бошқа шахсга алмаштириш. Суғурталанган шахснинг розилиги билан Нафдор бошқа шахсга фақат Суғурталанган шахснинг розилиги билангина алмаштириш мумкин. Нафдор суғурта шартномаси бўйича бирор бир мажбуриятни бажаргандан ёки суғурта товонини тўлаш тўғрисида Суғурталовчига талаб қўйгандан кейин Нафдорни бошқа шахсга алмаштириш мумкин эмас.

Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб кўзда тутилмаган ёки Нафдор Суғурталанувчининг мажбуриятларини бажармаган бўлса, суғурта шартномасини Нафдор фойдасига тузишни шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

Агар суғурта ҳодисасига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар сабабли суғурта ҳодисасининг содир бўлиш имконияти йўқолмаган бўлса, Суғурталанувчи хоҳлаган вақтда суғурта шартномасидан воз кечишга ҳақли.

Суғурта шартномасида томонларнинг бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўзда тутилган бўлиши мумкин.

8.4. Суғурталанувчининг мажбуриятлари:

а) Суғурта шартномаси тузилаётганда ўзига маълум бўлиб, Суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини ва унинг юз бериши туфайли кутилажак зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни Суғурталовчига хабар қилиш.

б) суғурта мукофотини суғурта шартномасида белгиланган вақтда тўлаш;

в) оила аъзолари тўғрисидаги маълумотни тўғри бериш;

г) Суғурта шартномаси бўйича Суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтдан 30 (ўттиз) кундан кечиктирмай Суғурталовчини ёки унинг агентини ёзма равишда хабардор қилиш;

д) суғурта шартномасининг шартлари ўзгартирилганда Суғурталанган шахсга маълум қилиш;

е) Суғурталанганларнинг рўйхатиغا ўзгартириш киритганда ёзма равишда Суғурталовчига хабар қилиш;

ж) зарур ҳолларда жабрланган Суғурталанган шахснинг соғлигини текшириш учун Суғурталовчига қарашли шифокор - экспертга рухсат бериш;

з) Суғурта шартномасининг шартларини махфийлигини сақлаш.

8.5. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

а) Суғурталанган шахс (Нафдор) суғурта таъминотини ёки суғурта суммасини тўлашни талаб қилганида Суғурталовчи ундан, шу жумладан Суғурталанган шахс Нафдор бўлган тақдирда ҳам суғурта шартномаси бўйича мажбуриятларни, шу билан бирга Суғурталанувчининг зиммасида бўлган лекин у бажармаган мажбуриятларни бажаришни

талаб қилиш. Илгари бажарилиши лозим бўлган мажбуриятларни бажармаслик ёки ўз вақтида бажармаслик оқибатлари суғурта хавфи Нафдорни зиммасида бўлади;

б) Суғурталанувчи суғурта шартномаси тузилгандан сўнг Суғурталовчига била туриб (соғлиғи ва суғурта хавфига оид) ёлғон маълумотлар берганлиги аниқланса, Суғурталовчи шартномани ҳақиқий эмас деб топиш;

в) Суғурталанувчи суғурта шартномасининг шартларини ўзгартиришга ёки қўшимча Суғурта мукофотини тўлашга қарши бўлса, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган тартибда суғурта шартномасини бекор қилиш;

г) 8.5. банднинг «а» кичик бандидаги мажбуриятларини бажармаганда Суғурталовчи суғурта шартномасини бекор қилишни ва шартномани бекор бўлишида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

д) суғурта шартномаси тузилаётганда Суғурталовчи соғлиғининг ҳақиқий ҳолатини аниқлаш учун уни текширтириш;

е) бахтсиз ҳодиса қонунга зид равишда юзага келган бўлса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, суд ва бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда ҳужжатлар олиш;

ж) Суғурталовчи ўзига қаршли шифокор-экспертни жабрланган ёки Суғурталанган шахснинг соғлиғи ва касаллик тарихини ўрганиш учун юбориш;

з) Суғурталанадиган шахсларнинг рўйхатига мазкур қонуннинг 5.3. бандида кўзда тутилган шахсларни киритганда ҳамда Суғурталанган шахс ёки ўзини соғлиғи ҳолатини Суғурталовчига қаршли шифокор-экспертни текширишига йўл қўймаса, Суғурталовчи суғурта суммасини тўлашни рад этиш;

и) Суғурталанган шахсларнинг меҳнат шароитларини, саноат санитарияси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилишларини текшириш;

к) Суғурталовчи суғурта ҳодисаси юзага келишида айбдор шахсларга нисбатан тўланган пулни ундириш учун судда даъво қўзғатиш.

8.6. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

а) Суғурталанувчини суғурта қоидалари билан таништириш;

б) Суғурталанувчига (Суғурталанган шахсга) Суғурта мукофоти тўлангандан сўнг 3 кун муддатдан кечиктирмай Суғурта полисини бериш;

в) Суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурталанувчига (Нафдорга ёки ворисларига) суғурта қоидаларида белгиланган муддат ва тартибда суғурта товонини тўлаш;

г) Суғурталанувчига нисбатан махфийликни таъминлаш;

д) Суғурта таъминоти тўлови рад этилган тақдирда Суғурталанувчига ёзма равишда хабар қилиш;

е) Суғурталанувчига Суғурта шартномаси муддати давомида суғуртага оид маслаҳатлар бериш;

ж) Суғурталанган шахс (Нафдор)ни суғурта шартномаси тузаётганда шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништириш;

8.7. Томонларнинг қўшимча мажбуриятлари:

Томонлар суғурта шартномаси шартларини ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш ташаббуси билан чиқиши мумкин. Бу ҳақда ташаббус билан чиққан томон иккинчи томонни ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

9. Суғурта суммасини тўлаш тартиби.

9.1. Суғурта шартномаси кимнинг фойдасига тузилган бўлса, шу шахс суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга.

9.2. Суғурталанган шахслардан бири вафот этганда суғурта суммаси Суғурталанган шахснинг ворислари (Нафдор) га тўланади.

9.3. Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Суғурталанувчи (Суғурталанган шахс) Суғурталовчига хабар бериш имкони пайдо бўлиши билан 30 кун ичида рўй берган ҳодиса тўғрисида маълум қилиши керак.

9.4. Суғурта таъминоти Суғурталанувчига ёхуд Нафдорга (ўлим ҳолатда) суғурта шартномасида кўрсатилган тўлиқ сумма миқдорида ёки Суғурталанган шахс жароҳат олганда «Суғурта ҳодисаси муносабати билан суғурта суммаси миқдорини аниқлаш жадвали» га асосан белгиланган миқдорда тўланади.

9.5. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда юз берган бир ёки бир неча ҳодисалар бўйича тўланган тўловларнинг миқдори суғурта суммасидан ошиб кетмаслиги керак.

9.6. Суғурталанувчи (Суғурталанган шахс ёки Нафдор) суғурта суммаси тўлови ҳақидаги аризаси билан қўйидаги муддатларда Суғурталовчига мурожаат этиши керак:

а) қўл-оёқ, бармоқ ёки уларнинг суяги кесиб ташланганда, кўз соққаси ёки бошқа бирор-бир орган (буйрак, ўпка, ўт пуфаги ва бошқ.) йўқотилганда, кўриш қобилияти бутунлай йўқотилганда бахтсиз ҳодиса содир бўлган кундан бошлаб 1 йил давомида;

б) юмшоқ тўқималарнинг кенг жароҳатланиши, бош ва орқа миянинг контузия ҳолатига тушишида - Суғурталанган шахснинг муолажаси тугагандан сўнг ва касаллик тарихидан кўчирма ёки унга ногиронлик гуруҳи белгилангандан кейин, лекин суғурта ҳодисаси юз берган кундан 1 йилдан кечиктирмай;

в) бошқа барча вазиятларда (суяк синиши, мускуллар, пайларнинг ёрилиши, лат ейиш, бош миянинг чайқалиши, куйиш, музлаш ва бошқ.) – Суғурталанган шахснинг муолажаси тугагандан сўнг ва касаллик тарихидан кўчирма ёки унга ногиронлик гуруҳи белгилангандан кейин, лекин бахтсиз ҳодиса юз берган кундан бошлаб 1 йилдан кечиктирмай;

9.7. Суғурталанган шахснинг олган жароҳати ёки мазкур Қоидада кўзда тутилган бошқа суғурта ҳодисаси туфайли суғурта суммасини олиш учун Суғурталанган шахс ёки Нафдор ўз аризасига қуйидаги ҳужжатларни илова қилиши керак:

- Суғурта полисининг нусхаси;

- Н1 шаклдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома (агар бахтсиз ҳодиса иш вақтида содир бўлган бўлса);

- ўрнатилган шаклдаги тиббий муассасанинг маълумотномаси;

- рентген сурати ва бошқа ҳужжатлар.

Бошқа зарур ҳолларда Суғурталовчи суғурта ҳодисасига аниқлик киритиш учун бошқа тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

9.8. Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда Суғурталанган шахснинг вафоти туфайли Нафдор Суғурталовчига:

- ёзма ариза;

- Суғурта полисининг нусхаси;

- Н1 шаклдаги бахтсиз ҳодиса тўғрисидаги далолатнома (агар бахтсиз ҳодиса иш вақтида содир бўлган бўлса);

- Фуқаролик ҳолати далолатномасини ёзиш (ФХДЁ) бўлими томонидан берилган ўлим тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

- Нафдорнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этиши керак.

9.9. Суғурталанган шахснинг кўриш ёки эшитиш аъзолари жароҳат олган бўлса, кўриш ва эшитиш аъзоларинининг жароҳатдан олдинги ва кейинги ҳолати тўғрисида тиббий муассасадан маълумот олинади.

9.10. Суғурта таъминотини Суғурталовчи барча керакли ҳужжатларни олгандан ва суғурта ҳодисаси деб тан олгандан сўнг 15 кун ичида тўлайди. Суғурталовчининг айби билан Суғурта суммасини тўлашда кечиктирилган ҳар бир кун учун Суғурталанувчига тўланиши керак бўлган суғурта суммасидан 0,1 фоиз миқдорида жарима (пеня) тўланади, ammo унинг миқдори тўланадиган суғурта суммасининг 10 (ўн) фоизидан ошмаслиги лозим.

9.11. Суғурта суммасини олиш ҳақидаги ёзилган аризада тўланиши керак бўлган Суғурта суммасини ўтказиш учун банкнинг номи ва Суғурталанган шахс (Нафдор) нинг банкдаги омонати рақами кўрсатилади.

Суғурталанган (Нафдор) вафот этганда суғурта суммаси тўлашни Суғурталовчи мустақил равишда қарор қабул қилади.

9.12. Суғурталанган шахс (Нафдор) Суғурталовчига суғурта шартномаси кучга киргунга қадар ва суғурта муддати тугагандан сўнг жароҳат олиб мурожаат қилса, Суғурталовчи Суғурталанувчидан ҳеч қандай ҳужжатлар сўрамай 3 кун муддат ичида суғурта суммасини тўламаслик сабабларини тўлиқ тушунтирган ҳолда ёзма равишда рад жавобини беради.

9.13. Суғурта суммасини тўлаб бериш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилиб, Суғурта полисини тақдим қилмаса, суғурта суммаси Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси аниқ тузилганлигини текширгандан сўнг тўлаб берилади.

9.14. Суғурта ҳодисаси туфайли тўланадиган суғурта суммаси «Суғурта ҳодисаси муносабати билан суғурта суммаси миқдорини аниқлаш жадвали» бўйича аниқланади.

10. Суғурталанган шахс суд орқали бедарак йўқолган деб топилганда, вафот этган деб эълон қилинганда ёки суд тартибида Суғурталанган шахсни вафот этганлиги аниқланган ҳолларда суғурта суммаси тўловлари масалаларини кўриб чиқиш

10.1. Суғурталовчига суғурта суммасини тўлаш тўғрисидаги ариза келиб тушиб унда Суғурталанган шахс бедарак йўқолган деб топилганлиги тўғрисидаги суднинг қарори бўлса, бу ҳужжат суғурта суммасини тўлашга асос бўла олмайди. Суғурталанган шахсни вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суд қарори тақдим қилинганда суғурта суммасини тўлаш масаласи кўриб чиқилади.

Суғурталанган шахсни вафот этган деб эълон қилиниши Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида (36 модда) кўриб чиқилган, яъни Фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот бўлмаса, башарти у ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан (сув тошқини, зилзила, кўчки, корабл тўқнашувида ва бошқа ҳодисалардан) халок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар бўлмаган ҳолларда назарда тутилади.

Суғурталанган шахснинг вафот этган деб эълон қилинганлиги тўғрисидаги суднинг қарори кучга кирган кун Суғурталанган шахснинг вафот этган куни ҳисобланади. Ўлим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан халок бўлган деб тахмин қилиш учун асос бўладиган вазиятларда бедарак йўқолган Фуқаронинг вафот этган куни деб суд Суғурталанган шахснинг халок бўлган деб тахмин қилинган кунини тан олади.

10.2. Суғурталанган шахс ўлган деб эълон қилинганда, қаерда турганлиги тўғрисида уч йил мобайнида яшаш жойидан маълумот бўлмаган тақдирда, ғойиб бўлганда Суғурта суммаси Суғурта қондасида кўриб чиқилган тартибда чегараланмасдан тўланади.

Суғурталанган шахснинг вафот этганлигини унинг ўлими суд тартибида белгиланганлигидан фарқлай билиш керак.

Суғурталанган шахснинг халок бўлганлиги гувоҳлар кўрсатмаси билан тасдиқланиб халок бўлганни жасади топилмаганда, Фуқаролик Ҳолатлари Далолатномаларини Ёзиш бўлими ўлим ҳолатини қайд этишни рад этганда Фуқарони вафот этганлиги суд орқали белгиланади.

10.3. Суд Суғурталанган шахслардан бирини ўлган деб эълон қилганда Суғурта суммаси тўланиши учун, суд қароридида суғурталанган шахслардан бири ўлим хавфини туғдирадиган ёки қандайдир бахтсиз ҳодиса натижасида халок бўлиши мумкин деб тахмин қилишга асос берадиган шароитда дом-дараксиз йўқолди деб кўрсатилган ҳамда у дом-дараксиз йўқолган ёки ўлган деб тахмин қилинган кун Суғурта шартномаси кучда бўлган даврга тўғри келиши лозим.

11. Форс-мажор

11.1. Форс-мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

11.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер силжиши, бўрон, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий –иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

11.3. Форс-мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

11.4. Агар форс-мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор ҳолати тугагандан сўнг давом эттирилади.

11.5. Суғурта шартномасида ва ушбу Қоидаларда келтирилмаган барча ҳолатларни ҳал этиш учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянадилар.

12. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган талаб ва низоларни кўриб чиқиш тартиби

Суғурта шартномаси бўйича Суғурталовчи ва Суғурталанувчи ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ўзаро келушувга асосан, келишиш имкони бўлмаса, Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунларда белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Суғурта шартномаси бўйича келиб чиқадиган низолар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибда даъво қўзғатишлари мумкин.

Суғурталовчи суғурта суммасини тўлашни рад этганда унга нисбатан судда даъво қўзғатиш йўли билан эътироз билдириши мумкин.

13. Суғурталовчининг реквизитлари:

Тўлиқ номланиши:

“КАФОЛАТ sug‘urta kompaniyasi” AJ Aksiyadorlik jamiyati

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси, 13А-уй.

Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс/электрон почта):

www.kafolat.uz, info@kafolat.uz

Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 999.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: №960718 серияли, Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар милдлий агентлиги томонидан 2025 йил 13 августда берилган.



KAFOLAT
sug'urta kompaniyasi